



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ФАЙЗИЕВ Олим

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ
ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА 7

2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ
ИШТИРОКИ..... 13

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

3. ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
КАФОЛАТЛАРИ 18

4. САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ 29

5. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ
МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 38

6. НОДИРОВ Давурхон Икромович

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....44

7. ХАТАМОВ Жамшид Алтибаевич

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ..... 50

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

8. ОКЮЛОВ Омонбой

СУД ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АДОЛАТ, ИНСОФЛИЛИК, ОҚИЛОНАЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ 55

9. РАҲМАТОВ Анвар Исломович

СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ 65

9. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич, АЧИЛОВА Лилия Илхомовна

ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ
ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 71

10. ҒАЙБУЛЛАЕВ Сохибжон

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР 76

11. РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ 83

12. АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА
ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ 89

13. KHUSAINOVA Rano

LEGAL ASPECTS OF LIBERALIZATION OF THE ELECTRICITY SECTOR
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN 95

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

- 14. АБДУРАХМОНОВА Хосиятхон Бахтиёржон қизи**
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА КОЛЛИЗИОН МУАММОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ РОЛИ.... 103
- 15. ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тухтамурадович, ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**
МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ:
ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА 109

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

- 16. РАХИМОВ Мирёқуб Актамович**
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ..... 117

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

- 17. КАРИМОВ Ваҳобжон**
“ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ
ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ 123
- 18. ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ 130
- 19. ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич**
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 135

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

- 20. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна**
РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ..... 139
- 21. ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна**
ЗАЩИТА ПРАВ РЕБЕНКА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ
И НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ 144
- 22. ИСОҚОВ Лукмонжон Холбоевич**
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ 153
- 23. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР
СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ..... 161

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

- 24. ТУРДИЕВ Бобир Собирович**
“ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ
САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ 167
- 25. ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли**
АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ 174

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

КАРИМОВ Ваҳобжон

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси доценти, юридик фанлар доктори

**“ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ
ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): КАРИМОВ В. “ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 123–129.

 4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-18>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув фаолиятининг юридик фаолиятнинг алоҳида тури сифатидаги ўрни ва зарурати, “Тезкор-қидирув фаолияти” фанининг юристларни тайёрлашдаги аҳамияти, унинг предмети ва вазифалари ёритилган. Унда мазкур фаолиятнинг мазмун-моҳиятини, асосий йўналишларини белгилаб берувчи жиҳатлари, унинг бошқа фанлар ва фаолият йўналишларидан фарқловчи хусусиятлари очиқ берилган. Шунингдек, мазкур фанни юридик йўналиш ва ихтисосликдаги олий таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этиш учун тайёрланган ўқув модулининг мазмуни ва аҳамияти акс эттирилган.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, криминалистика, жиноят-процессуал қонунчилиги, тезкор бўлинмалар.

КАРИМОВ Ваҳобжон

Доцент Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан
доктор юридических наук, доцент

**ПРЕДМЕТ, ЗАДАЧИ НАУКИ “ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ” И ЕЁ
ЗНАЧЕНИЕ В ПОДГОТОВКЕ ЮРИСТОВ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены роль и необходимость оперативно-розыскной деятельности, как особого вида юридической деятельности, в борьбе с преступностью, значение науки «Оперативно-розыскной деятельности» в подготовке юристов, предмет и задачи учебной дисциплины. Разъяснены сущность, содержание, основные направления и функции оперативно-розыскной деятельности,

а также её отличительные особенности от других смежных видов юридической деятельности. Отражены важность и значение подготовленного учебного модуля для преподавания в высших учебных заведениях по юридическим направлениям и специальностям.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, криминалистика, уголовно-процессуальное законодательство, оперативные подразделения.

Karimov Vahobjon

Associate professor of the Academy
of General Prosecutor's Office, Doctor of Law

SUBJECT AND TASKS OF OPERATIVE CRIME DETECTION ACTIVITIES, AND ITS SIGNIFICANCE IN TRAINING OF LAWYERS

ANNOTATION

The article highlights the role and need of operative crime detection activities in fighting against crime, the significance of subject of operative crime detection activities in training of lawyers, its object and tasks. It covers meaning of this activity, its main directions, distinguishing features compared to other subjects and directions of activity. Besides, it describes meaning and significance of prepared academic module for institutions of higher education in law and other specialty.

Keywords: operational-search activities, operational-search events, forensics, criminal procedural law, operational-search units.

Тезкор-қидирув фаолияти (кейинги ўринларда – ТҚФ) юридик фаолиятнинг алоҳида тури сифатида мамлакатимиз ривожланишининг барча босқичларида махсус ваколатли давлат органлари, уларнинг тезкор бўлинмалари ҳамда мансабдор шахслари томонидан фақат жиноятчиликка қарши кураш мақсадларида амалга оширилиб келинади. Ушбу фаолият жиноятчиликка қарши курашиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш манфаатларига бўйсундирилган бўлиб, унинг бош мақсади тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда – ТҚТ)ни ўтказиш орқали фуқаролар, жамоатчилик ташкилотлари ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳисобланади.

ТҚФни амалга оширувчи органлар тезкор бўлинмаларининг жиноятчиликка қарши курашишни ташкил этишга оид айна кундаги фаолиятини, жиний кўринишларни олдини олиш ва фож этиш борасидаги муайян тадбирлар мажмуи сифатида тан олиш нотўғри бўлар эди, зеро, ҳозирги жамиятда жиноятчиликка қарши курашиш – бу барча давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, махсус ва бошқа тадбирларнинг мураккаб мажмуи ҳисобланади. Уларга тезкор-қидирув кучлари, воситалари ва усуллари ёрдамида амалга оширилаётган махсус тадбирлар ҳам қиради. Ушбу махсус тадбирлар, давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган бошқа тадбирлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, ТҚФнинг йўналишини белгилаб беради.

Ҳозирги кунда қўлланилиб келинаётган ТҚФ атамаси илк марта ўтган асрнинг 60-чи йиллари бошида Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан муомалага киритилган эди. Айна жиноят-процессуал қонунчилигида биринчи марта “суриштирув органлари томонидан жиноят аломатлари ва уларни содир этган шахсларни аниқлаш мақсадида оператив-қидирув чораларини амалга ошириш” зарурлиги ҳақида кўрсатма ўз ифодасини топган эди. Бундай кўрсатма нафақат мазкур фаолиятнинг давлат аҳамиятига эгаллиги ва суриштирув органларига жиноятчиликка қарши курашда оператив-қидирув чораларини қўллаш орқали бу фаолиятга ошқора тус бериш, балки унинг бирламчи тушунчаси ва моҳиятини аниқлаб олиш учун замин яратди.

Тезкор-қидирув фаолиятининг давлат тилидаги атамаси (**тезкор** (форсча - тез, жадал ишловчи, тезлик билан ҳаракат қилувчи, натижага эришишни таъминловчи) [1, Б.52] **-қидирув** (қидирув иши, судгача дастлабки тергов, жиноятга доир қўшимча далиллар тўплаш) [1, Б.274] **фаолият** (арабча –

ҳаракатчанлик, таъсирчанлик, самарадорлик, бирор соҳада олиб бориладиган иш, машғулот, ҳаракат) [1, Б.326] биринчи марта 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида қуйидаги таҳрирда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жинойтчиликка қарши кураш бўйича **тезкор-қидирув**, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин). Ушбу нормада фаолиятнинг давлат тилидаги атамаси шаклантирилганидан ташқари мазкур фаолият билан фақат ваколатли давлат органлари шуғулланиши лозимлиги, яъни унинг давлатга хос бўлган фаолият эканлиги, шунингдек мазкур органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги ўз аксини топган.

Мазкур фаолиятнинг барча йўналишларини кўриб чиқиш орқали, унинг кўп жиҳатли эканлигини таъкидлаш мумкин. Ушбу фаолият:

конун билан кўриқланувчи объектларни ҳимоя қилиш учун махсус кучлар, воситалар ва усулларни қўллашга қаратилган бевосита амалий фаолият;

тезкор бўлинмаларнинг амалий фаолиятини бошқариш орқали амалга ошириладиган ташкилий-бошқарув фаолият;

илмий-тадқиқот фаолияти (12.00.09 илмий ихтисослиги);

тезкор бўлинмалар амалиётида мазкур соҳага оид назарий билимларни қўллашни ўргатишга йўналтирилган педагогик фаолият.

ТҚФнинг моҳиятини аниқлаб олиш учун, унинг қуйидаги жиҳатларидан келиб чиқиш лозим:

биринчидан, ТҚФ ижтимоий жиҳатдан шартланган фаолиятдир, чунки у ижтимоий фойдали вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиб, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш турларидан бири ҳисобланиши билан бирга жинойтчиликка қарши курашиш фаолиятининг давлат-ҳуқуқий турларидан биридир;

иккинчидан, мазкур фаолиятга махсус муносабатлар (тезкор-қидирув) хосдир. Улар бошқа турдаги муносабатлардан, авваламбор, субъектлари билан фарқ қилади. Бундайлар сифатида конун билан ваколат берилган давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қатнашадилар. Шу билан бирга, бу каби муносабатларнинг хусусий белгилари сифатида субъектларнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми, уларнинг жинойтчиликка қарши махсус кучлар, воситалар ва усулларни қўллаш орқали курашишда ифодаланадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга ошириш хусусиятлари ҳисобланади;

учинчидан, ТҚФнинг ошқора ва ноошқора тарзда амалга ошириладиган ўзига хос разведик-излов тавсифига эгаллиги;

тўртинчидан, мазкур фаолият ҳозирги кунда тезкор-қидирув органлари ҳаракатларини ҳуқуқий асослаб берувчи очиқ конунчилик билан тартибга солинганлиги.

Шундай қилиб, ТҚФ – юридик фаолиятнинг бир тури сифатида жинойтчиликка қарши курашишга оид давлат вазифалари ижросини таъминлашга қаратилган. Чунки у махсус ваколат берилган органлар томонидан фақат давлат манфаатлари йўлида ҳамда аниқ белгиланган ҳуқуқий асослар ва йўналишга эга бўлиб, давлатнинг ҳуқуқий кўрсатмалари ва қонунийлик талабларига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилади.

Жинойтчиликка қарши курашда давлатнинг маъмурий-ҳуқуқий, жинсий-ҳуқуқий, жинойт-процессуал ва жинсий-ижроия каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш турлари қатори ТҚФ ҳам, унинг энг самарадор давлат-ҳуқуқий турларидан бири ҳисобланади. Шу боис, ТҚФнинг предметини ўрганишнинг замонавий ҳолатини англаш учун унинг табиати ва моҳиятини тарихий ёндашув нуқтаи-назаридан келиб чиқиб тадқиқ этиш зарурдир. Зеро, предметнинг тарихини билмасдан туриб унинг назариясини англаб бўлмайди, назариясиз эса предмет ҳақида фикрлаш мумкин эмас. Айнан методологик ёндашувгина ТҚФнинг алоҳида тизим сифатида вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши жараёнини кузатиш имконини беради.

Ҳар бир фан тармоғининг предметини аниқлаб олиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, махсус тадқиқот предметининг мавжудлиги, тегишли билим тизимининг мустақил илмий фаолият юритишининг имконияти ва заруриятини белгилаб беради. Иккинчидан, фаннинг предметини аниқлаб олмасдан туриб, унинг мазмуни ва вазифаларини белгилаш, ривожланишнинг асосий йўналишларини аниқлаштириш, тизими,

услубини ишлаб чиқиш, бошқа фанлар қаторида унинг тутган ўрнини аниқлаб олишнинг иложи йўқ. Ва ниҳоят фаннинг предмети, тегишли ижтимоий амалиёт соҳасида унинг шакли, усуллари, қўлланиш қоидаларининг чегараларини белгилаб беради.

ТҚФ назарияси криминалистика доирасида ривожлангани ҳолда, ўз навбатида, жиноятчиларнинг яширин ҳаракатлари, латент жиноятларнинг алоҳида белгилари ва бундай жиноятларни ўз вақтида олдини олиш, очиш, уларни содир этган шахсларнинг жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув органлари томонидан энг самарали махсус (асосан ноошкора) кучлар, воситалар ва усулларни қўллашга оид ҳаракатларни ўрганувчи махсус билимлар тизими ҳисобланади.

Жиноятчиларнинг жиноятларни тайёрлаш, уларни содир этиш, ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари изларини яшириш усуллари ҳамда уларни аниқлаш ва фош этиш усуллари ўртасида диалектик боғлиқлик мавжуддир. Аммо жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш усуллари нафақат ТҚФ назарияси, балки жиноят процесси, криминалистика, криминология ва бошқа юридик фанлар томонидан ҳам ишлаб чиқилади. Шу боис, уларни асосий фарқловчи белгилари муайян фаннинг предметида ўз ифодасини топади.

Махсус адабиётларда ТҚФ назарияси предмети тушунчаси илк марта 1973 йилда соҳа олимлари А.И.Алексеев ва Г.К.Синиловлар томонидан тезкор-қидирув ишларига тааллуқли бўлган муаммолар доирасини ўрганувчи соҳа сифатида белгиланган бўлиб, у уч қисмдан иборат таклиф қилинган эди: 1) жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув кучлари, воситалари ва усулларини қўллаш орқали амалга ошириладиган чоралар тизими тавсифи; 2) тезкор-қидирув ишлари ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш; 3) мазкур соҳада юзага келувчи муносабатлар тизимини ўрганиш [2, Б.34-35].

Махсус адабиётларда ТҚФ назарияси предметини такомиллаштириш бўйича бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Жумладан, 1976 йилда А.Г.Лекаръ фан предметини аниқлаштириш учун ҳеч бўлмаганда тезкор-қидирув амалиёти қонуниятларини умумий тарзда кўриб чиқиш лозимлигини уқтирган [3, Б.32]. Бундай қонуниятлар сифатида у содир этилаётган жиноятларнинг яширин тавсифи ҳамда уларни олдини олиш ва фош этиш учун тезкор-қидирув воситалари ва усулларидан фойдаланиш зарурияти ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигига ишора қилади. В.А.Лукашов (1976 йилда) ТҚФ назарияси предметига ТҚФни ташкил қилиш билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи ва акс этувчи қонуниятларни киритади.

Д.В.Гребельский (1977 йилда) бу масала бўйича жамланган билимларни умумлаштирган ҳолда, ТҚФ предмети назариясининг қуйидагиларда акс этувчи ўзининг таснифини таклиф қилди. Булар: жиноятчиликда; ТҚФни ташкил қилишда; ТҚФнинг билиш жиҳатларида; ТҚФнинг амалий томонларида; ТҚФни ҳуқуқий тартибга солишда намоён бўлувчи қонуниятлар. Шу билан бирга, муаллифнинг таъкидлашича, умумий ва хусусий қонуниятларни аниқлаш, асослаш ва тизимлаш доимий илмий вазифа ҳисобланади.

В.М.Атмажитов (1992 йилда) ТҚФ назарияси предмети элементларини табақалаштирган ҳолда ўзининг бошқача таснифини таклиф қилди: а) тезкор-қидирув ахборотининг пайдо бўлиши, уни аниқлаш, олиш, текшириш ва қайд қилиш; б) тезкор-қидирув органининг тезкор-қидирув ахборотидан фойдаланиш бўйича фаолияти; в) ТҚФни ташкил этиш; г) ТҚФни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ қонуниятлар.

Кейинчалик И.А.Климов (1995 йилда) ушбу тушунчага ўрганиш объектдан келиб чиқадиган бир қатор мантикий қўшимчалар киритиб, ТҚФ предметининг қуйидаги қонуниятларини қамраб олувчи ўзига хос таснифини ишлаб чиқди: а) жиноятчилик, муайян ижтимоий ҳодиса сифатида; б) ТҚФ жиноятчиликка қарши курашиш ижтимоий амалиётининг бир тури сифатида; в) ТҚФнинг ҳуқуқий тартибга солиниши. И.А.Климовнинг фикрича, ҳар қандай бошқа фанлардаги каби ТҚФ назарияси предметини ҳам, унинг тадқиқот объекти учун хос бўлган қонуниятлар, муносабатлар, боғлиқликлар ва бошқа объектив томонлари ташкил этади [4, Б.27-28].

Соҳа олимларининг фикрларини умумлаштирган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, ТҚФ назарияси предмети тушунчасини ифодалашдаги мунозаралар ва баҳсларга қарамаздан, турли муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган унинг асосий мазмунли элементлари рўйхати асосан бир-бирига мос келади.

ТҚФ назариясини ўрганиш предметининг асосий тузилмавий элементи – бу жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув органлари томонидан махсус кучлар, воситалар, усуллар ва шаклларни қўллаш жараёнида юзага келувчи муайян турдаги қонуниятлар ҳисобланади. Бунда қуйидаги қонуниятларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

ТҚФ назарияси моҳиятини очиб берувчи қонуниятлар;

тезкор аҳамиятга эга ахборотнинг пайдо бўлиш механизидан келиб чиқувчи қонуниятлар (излаш, аниқлаш, қайд қилиш, баҳолаш ва улардан келгусида ҳуқуқий аҳамиятга эга қарорлар қабул қилиш учун фойдаланиш);

тезкор-қидирув кучлари, воситалари ва усулларини қўллаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларда юзага келувчи қонуниятлар;

жиноятчиликка қарши курашда ташкилий шакллар, услублар, тактика ва техник воситаларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ қонуниятлар.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ТҚФ назарияси предмети тушунчасини қуйидагича шакллантириш мумкин: “Тезкор-қидирув фаолияти” предмети – бу тезкор-қидирув органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулкни, жамият ва давлатни жиноий тажовузлардан ҳимоялашни таъминлаш учун махсус кучлар, воситалар ва усулларни қўллаш заруриятини тақозо этувчи объектив қонуниятлар ҳисобланади.

“Тезкор-қидирув фаолияти” ўқув курсининг тизими ва вазифалари ҳақида сўз борганда, шуни таъкидлаш жоизки, узоқ вақтгача тезкор-қидирув қонунчилигининг асосий қоидалари ҳаддан зиёд махфий тусга эга бўлганлиги сабабли, ТҚФ назарияси ёпиқ идоровий фан сифатида ўрганилган ва фақат ТҚФни амалга оширувчи органларнинг махсус ўқув муассасаларида ўқитилган. Мамлакатимизда ТҚФ назариясини янада ривожлантириш ва мазкур ўқув курсининг ошқора жиҳатларини ўқитиш асосан 2012 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганидан сўнг бошланди. Сўнгги йилларда мазкур соҳа олимлари: А.Закурлаев, Ю.С.Пулатов [5], А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев, С.Н.Гордеев, Т.Рашидходжаев [6], В.Каримов, А.Хакбердиев [7], [8] муаллифлигида давлат тилида бир қатор ўқув қўлланмалари, шарҳлар нашр қилинди. Ушбу ўқув адабиётлари тезкор-қидирув қонунчилигига мувофиқ тайёрланган бўлиб, уларнинг асосини ТҚФнинг турли масалалари бўйича очиқ (ошқора) хусусиятга эга манбалар ташкил этди.

Мазкур фаолият асосларини ўқитиш тизими икки босқичдан иборат ташкил этилган: 1) ТҚФни очиқ тарзда ўқитиш (асосан юридик йўналишдаги олий таълим муассасаларида); 2) уни ёпиқ тарзда ўқитиш (ТҚФни амалга оширувчи органларнинг махсус ўқув муассасаларида). Ҳозирги кунда қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳамда очиқ адабиётларда ўз аксини топган “Тезкор-қидирув фаолияти” ўқув курси Ўзбекистон Республикасининг юридик йўналишдаги олий ўқув юртларида алоҳида махсус курс сифатида ўқитилиб келинмоқда.

Мазкур курснинг хусусияти шундан иборатки, у ТҚФни амалга оширувчи органларнинг махсус ўқув юртларида ўқитиладиган ўқув курсларини такрорламайди. Шу боис, унда ТҚТни ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси, алоҳида турдаги жиноятларга қарши курашнинг ташкилий-тактик жиҳатлари билан боғлиқ ёпиқ хусусиятга эга бўлган махсус масалаларга ўрин берилмаган бўлиб, тузилиши ва моҳияти жиҳатидан тезкор-қидирув қонунчилигининг жиноятчиликка қарши курашдаги асосий хусусиятларини очиб беради.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг малака ошириш курсларида тингловчиларга ва магистрларга ТҚФ назариясининг ошқора жиҳатларини ўқитиш мақсадида тайёрланган “Тезкор-қидирув фаолияти” ўқув модули Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа очиқ хусусиятга эга бўлган қонунлар ҳамда қонуности норматив ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ТҚФнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимлар тизимини акс эттиради. Мазкур ўқув модулида “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи масалалар, хусусан, ТҚФнинг тушунчаси, мақсад ва вазифалари; асосий принциплари; ҳуқуқий асослари; ТҚФни амалга оширувчи органлар ходимларига қўйиладиган ахлоқий талаблар; фаолият субъектлари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; ТҚТ тушунчаси, турлари, ўтказиш асослари ва шартлари; ТҚФ натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш хусусиятлари; ТҚФ устидан идоровий ва прокурор назоратини ташкил этиш масалалари ёритилган.

Ушбу модулни ўқитишдан кутилган натижа шундан иборатки, малака ошириш курслари тингловчилари ҳамда Академия магистрларини ТҚФ назарияси соҳасидаги билим ва кўникмалар билан қуроллантириш, жиноятларни олдини олиш, бартараф этиш ва фош этиш, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш бўйича амалий кўникма ҳамда маҳорат ҳосил қилиш, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига оғишмай амал қилиш, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳурмат қилиш, юксак ҳуқуқий ва ахлоқий маданият,

жиноятчиларга нисбатан мурасасиз бўлиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Ўқув модулини ўқитиш жараёнида тингловчилар томонидан ТҚФни тартибга солувчи қонунлар, қонуности ҳужжатлари талабларини ҳамда тезкор-қидирув бўлинмалари ихтиёридаги кучлар, воситалар ва бошқа имкониятларидан фойдаланиш кўникмаларини ўзлаштириб олишга асосий эътибор қаратилади. Бу эса улардан ўз билимларини янада ошириш мақсадида мустақил ишлаш бўйича фаолликни тақозо этади.

Ушбу ўқув курсининг муҳим вазифаларидан бири, бу ТҚФни амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув бўлинмаларининг илғор тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида ТҚФ назариясини янада ривожлантиришга имконият яратиш ҳисобланади. Бунда ТҚФ назарияси ютуқларини илмий жиҳатдан бир тизимга солиш ҳамда уларни ўз вақтида амалий фаолиятга жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқув модулини ўқитиш натижасида олинган билимлар, пировардида, тингловчиларда мазкур курснинг асосий қоидаларини шакллантириш; эгалланган ТҚФ назарияси қоидалари кўникмаларидан жиноятчиликка қарши курашда фойдаланиш; тезкор-қидирув органларининг ижобий иш тажрибаси таҳлили асосида тезкор-қидирув имкониятларидан жиноятларни олдини олиш ва фош этишда самарали фойдаланиш учун замин яратади.

Мазкур модулнинг юрист кадрларни тайёрлашдаги аҳамияти шундаки, ҳозирги шароитларда аксарият оғир ва ўта оғир турда содир этилаётган жиноятларни процессуал, тергов йўллари билан аниқлаш ва фош этиш қийинчилик туғдиради. Ҳар бир юрист жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва жиноят содир этганларни қидирувини ташкил этиш учун зарур бўлган ТҚФнинг назарий асосларидан хабардор бўлиши, уларни ижобий зарурият сифатида қабул қилиши лозим. Чунки, мазкур қонунчилик нафақат тезкор бўлинма ходимларига, балки суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, адвокат ва бошқа ходимларга ҳам тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайди.

Ўқув модули материалларини ўзлаштириш тингловчиларга бошқа юридик фаолият турлари ичида ТҚФнинг ўрни ва ролини, шунингдек жиноятларни фош этиш бўйича чоралар тизимида ТҚФ кучлари, воситалари ва усулларининг аҳамиятини англаб олишга ёрдамлашади. Тезкор-қидирув қонунчилиги асосларини билмаслик суриштирув, тергов ва суд органлари ходимларининг мазкур фаолият натижаларидан тўғри фойдаланмасликларига, тезкор ходимлар билан ҳамкорликни етарлича ташкил эта олмасликларига ва пировардида мазкур соҳадаги жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигининг сезиларли даражада пасайишига олиб келади.

Шу муносабат билан, ТҚФ қонунчилигини ўзлаштириш суриштирув, тергов ва суд органлари ходимларининг мазкур фаолият натижаларидан тўғри фойдаланишига, тезкор ходимлар билан ҳамкорликни тўғри ташкил этишга ва мазкур соҳадаги жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигининг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлади. Ушбу билимлар уларнинг фаолиятида ТҚТ ва процессуал ҳаракатларни уйғун ҳолда амалга оширишга ҳамда жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ, уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

Ўрганилаётган модулда ТҚФнинг назарий жиҳатларига муҳим ўрин берилгани ҳолда, унинг амалий аҳамиятга эга йўналиш эканлиги таъкидланган. Бу доирада ёритилаётган барча назарий қоидалар ва амалий тавсиялар тингловчиларнинг амалий кўникмаларини такомиллаштириш учун мўлжалланган. Улар намунавий ўқув ва ишчи дастурларда, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳамда илмий мақолаларда ўз аксини топган.

Ушбу модулни ўрганишнинг долзарблиги яна шундан иборатки, дастлабки босқичларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг тингловчи ва магистрларига мустақил тайёргарлик соатларида, синов ва имтиҳонларга тайёргарлик кўриш, шунингдек бутун таълим олиш жараёнида олган билимларини ривожлантиришга ёрдам беради. Унинг мазмуний қисми адлия, прокуратура, суд ва ички ишлар органлари, эксперт муассасалари, адвокатура, шунингдек ўз касбий мажбуриятларини бажаришда ТҚФ назариясига оид билимларга зарур даражада эга бўлишлари лозим бўлган бошқа идоралар учун юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. /Маъсул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020. (Explanatory dictionary of Uzbek language, Tashkent, National encyclopedia of Uzbekistan, 2020)
2. Алексеев А.И., Сенилов Г.К. Актуальные проблемы теории оперативно-розыскной деятельности ОВД. – М. 1973. – 435 с. (Alekseev A.I., Sinilov G.K. Main problems of theory of operative crime detection activities. – М. 1973. – 435 p.)
3. Оперативно-розыскная деятельность: Учебник. /Под ред. К.К.Горяинова, В.С.Овчинского, Г.К.Сенилова, А.Ю.Шумилова. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 732 с. (Operative crime detection activities: textbook. K.K.Goryainova, V.S.Ovchinskogo, G.K. Sinilova, A.Yu.Shumilova. – М.: INFRA-M, 2004. – 732 p.)
4. Климов И.А. Предмет, система, методология, история и перспективы развития теории оперативно-розыскной деятельности. – М., 1995. – 378 с. (Klimov I.A. Subject, system, methodology, history and perspectives of development of theory of operative crime detection activities. – М., 1995. – 378 p.)
5. Закурлаев А.К., Пулатов Ю.С. Тезкор-кидирув фаолияти: ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2014. – 156 б. (Zakurlaev A.K. Pulatov Yu.S. Operative crime detection activities: manual. – Т.: TSUL, 2014. – 156 p.)
6. Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига шарҳ: – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – 236 б. (Hamdamov A.A., Saitbaev T.R., Gordeev S.N. Rashitxodjaev R.T. Commentary to the law of Operative crime detection activities of the Republic of Uzbekistan. – Т.: Academy of MIA, 2015. – 236 p.)
7. Каримов В. Тезкор-кидирув фаолияти ва инсон ҳуқуқлари: монография. – Т.: LESSON PRESS, 2019. – 152 б; Тезкор-кидирув фаолияти: дарслик. – Т.: LESSON PRESS, 2020. – 472 б. (Karimov V. Operative crime detection activities and human rights: monograph. – Т.: LESSON PRESS, 2019. – 152 p; Operative crime detection activities: textbook. – Т.: LESSON PRESS, 2020. – 472 p.)
8. В.Каримов, А.Хақбердиев. Тезкор-кидирув фаолияти: ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2020. – 211 б. (Karimov V., Haqberdiev A. Operative crime detection activities: manual. – Т.: LESSON PRESS, 2020. – 211 p.)